ЁЗУВЧИ МАҲОРАТИНИНГ МУҲИМ ФАЗИЛАТЛАРИ

Й.Солижонов

Мақолада ёзувчи Одил Ёқубовнинг санъаткорлик маҳорати, ўзига хос услуби, асарларининг умрбоқийлик сирлари тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: *поэтика, бадиий нутқ, услуб, портрет, характер, образ.*

В статье исследуется художественное мастерство, своеобразный стиль, тайны долголетия произведений писателя Адыла Якубова.

Ключовые слова: *поэтика, художественная речь, стиль, портрет, характер, образ.*

The article investigates the literary masteship of the writer Odil Yoqubov, his special style and the secrets of eternity of his works.

Key words: *poetics, literary speech, indivdual stile, charakter, words, image, portrait.*

Одил Ёқубов XX асрнинг 50-йилларида «Тенгдошлар» номли қиссаси билан адабиётга кириб келди. Аслида “Дастлабки қадам”ини (1953 йилда чиққан тўплами назарда тутилди) ҳикоялар ёзишдан бошлаган бўлса ҳам, қисқа муддатда “Чин муҳаббат”, “Юрак ёнмоғи керак”, “Олма гуллаганда”, “Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим” сингари драмалар, “Муқаддас”, “Қанот жуфт бўлади” каби қиссалари билан тилга тушди. Ёзувчининг илк асарлариёқ ўтган аср ўрталарида ғоят урчиб кетган адабий сохталик, зўрма-зўракилик ва конфликтсизликка қарши ўт очгани, чин маънода ҳаётийлиги билан тан олинган. Шундан буён ўтган давр мобайнида Одил Ёқубов самарали ижод қилиб, ўзбек адабиётини ўндан зиёд қиссалар, 7 та роман, талай драмалар, кўплаб ҳикоя ва эсселар билан бойитди.

Адиб асарларининг ҳар бири, у қайси жанрда яратилганидан қатъи назар, адабий жамоатчилик ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Боиси, санъаткорнинг ўз асарлари учун инсониятни мудом изтиробга солиб келган ҳаётий муаммоларни танлаши ва уларни ишонарли тасвирлаб бера олишидадир. Бу ютуққа эришиш учун адиб маҳорат сирларини чуқур ўрганди, мумтоз Шарқ ва янгиланаётган Ғарб адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлди. Ёзувчининг тинимсиз изланиши катта самаралар берди.

Бу асарларни мутолаа қилган ўқувчи унинг ижоди талай фазилатлари билан ажралиб туришига ишонч ҳосил қилади. Буларнинг *биринчиси* Одил Ёқубов ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуда ёзган ҳикоя, қисса, драма ва романларида **ҳақиқатни** асосий мезон қилиб олганидир. Тўғри, бу аслида умуман сўз санъатининг бош талаби саналади. Бироқ кўпчилик Шўро даврининг қолипларини ёриб чиқишга журъат қилолмаган бир пайтда янгиликка интилган, ҳаётий ҳақиқатдан чекинишни ижодга хиёнат деб билган ёзувчилардан бири О.Ёқубов эди. Шу ижодий принципга қатъий амал қилгани учун ҳам унинг бironта асари замонасозлик нуқтаи назаридан чиқитга чиққан эмас ва бундан сўнг ҳам яшаб қолишга ҳақлидир. Масалан, 70-йилларда тарихимизга панжа орасидан қараш, тарихий шахслар ҳамда воқеаларни бузиб кўрсатиш авжига чиққанда ҳам Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» каби асарларини яратиб, уларда юрт ўтмишининг нурли саҳифаларини ёрита олди. Бу тарихий романларида зулм ва адолатсизликка, разолат ва қабоҳатга қарши кураш олиб борган пок ниятли аждодларимизнинг юксак бадиий образларини яратди.

Нафақат тарихий, балки замонавий мавзудаги асарларида ҳам Одил Ёқубов айни принципга қатъий амал қилди. Бу жиҳатдан адибнинг “Эр бошига иш тушса” (1966), “Диёнат” (1974), “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” (1988), “Адолат манзили” (1994), “Осий банда” (2008) сингари романлари характерлидир. Уларнинг ҳар бирида санъаткор ижодининг бош фазилатини янада бойитадиган муҳим хусусиятларни учратиш мумкин. Одил Ёқубов асарларида «мана мен» деб бўй кўрсатган *иккинчи* фазилат асар марказига олинган асосий муаммонинг ҳаққоний акс эттирилиши ва адолатнинг ғолиб келишидир. *Учинчи* муҳим фазилат қаҳрамонлар тақдирининг ўзига хос ечими ҳисобланади. Ёзувчи ғоят мураккаб образларни яратар экан, воқеалар давомида уларнинг тақдирини шу қадар холис, ҳаётий ва ишонарли вазиятда ҳал этадики, ўқувчи бирдан енгил тортади. Бу жиҳатдан «Диёнат» романидаги Отақўзи, «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романидаги Музаффар Фармонов, «Муқаддас» қиссасидаги Шариф, «Адолат манзили»даги Лочин, “Осий банда” романидаги Саркор образлари ғоят ибратлидир.

Фикримиз исботи учун биргина “Диёнат” романи структурасига назар ташлашнинг ўзи кифоядир. Бошқаларини мутлақо камситмаган ҳолда, “Диёнат”-

ни замонавий мавзудаги асарларнинг энг яхшиси ва мукаммали дегим келади. Унда кўтарилган мавзу ҳам, муаммо ҳам нақадар долзарб ва залворли. Айнан ўтган асрнинг 70-йилларида халқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик соҳасида қўшиб ёзишлар, алоҳида шахсларни кўтар-кўтар қилиш, у орқали бошқаларнинг ҳалол меҳнатини камситиш ҳоллари рўй бераётган ва партия-ҳукумат томонидан мазкур сохталиклар қўллаб-қувватланаётган бир пайтда бундай раҳбарлик усулининг яхшиликка олиб келмаслигини бадиий образлар орқали кўрсатиш чиндан ҳам жасорат эди.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларида яратилган асарларда хўжалик раҳбарлари консерватор, ўзбилармон, механизация ва агротехника янгиликларининг ашаддий душмани, оддий меҳнаткашларни назар-писанд қилмайдиган қўпол шахс сифатида бир ёқлама тасвирланар, асар якунида унга партиявий жазо берилиб, ишдан олинарди. Одил Ёқубов «Диёнат» романида иккинчи бўлиб (биринчиси А.Қаҳҳор) бундай эски муносабатни рад этди. «Диёнат» романи бош қаҳрамони Отақўзи фақат қора бўёқлар билан чизилмайди: унда иллатлар билан бирга фазилатлар ҳам талайгина. Отақўзи моҳиятан кучли тадбиркор, хўжалик равнақи ва фаровонлиги йўлида жон куйдирадиган, унинг манфаатини оилавий ва шахсий манфаатидан устун қўядиган раҳбар сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам муаллиф асар сўнгида Отақўзини оғир партиявий жазодан тоғаси Нормурод Шомуродовнинг ўлими баҳонасида «асраб» қолади. Бу адабий «ҳийла» ёзувчи томонидан атайлаб ўйлаб топилган десам, бироз эриш туйилар. Ҳаётда шундай ҳодисалар рўй бериши табиий. Аммо Отақўзини ўша пайтдаги райкомнинг махсус чақирилган бюросидан омон олиб чиқишнинг бошқа йўли ҳам йўқ эди. Бу билан адиб Отақўзи сингари ҳалол, пок, умри бино бўлиб ҳеч кимга ялинмаган, хушомад қилмаган раҳбар-одамни асраш, ундан ижобий йўсинда фойдаланиш зарур деган ғояни илгари суради, шахсиятидаги нуқсонлар учун эса уни ҳаддан зиёд эркалатиб қўйган муҳит бош айбдор деб билади. Бу ғоя ифодаси учун ёзувчи турли бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланади. Шулардан бири *қаҳрамон портретини яратиш ва у орқали характер табиатининг турли қирраларини ифодалаш фазилатидир.*

Роман муаллифнинг “Отақўзи миллионер раисларга хос виқор ва дабдаба билан қўққисдан бостириб кирди” деган тезкор ва бироз дағал ахбороти билан бошланади. Унда Отақўзининг характери, хатти-ҳаракати ва фаолиятига мос кескин оҳанг сезилиб турибди. Отақўзи виқорли ва дабдабали кўринишдан ташқари (бинобарин, бу сифатлар қаҳрамон характерини белгилашда ғоят муҳим аҳамиятга эга), “новча, сахт-сумбати келишган, янги чуст дўпписини пешонасига (бошига эмас!- Й.С.) дўндириб қўндирган (кийган эмас-Й.С.)” одамдир. Таърифдаги учта сўз характер моҳиятини аниқлашда жуда муҳим ва Отақўзи руҳиятини очишда калит вазифасини бажаради: “*виқор”, “дабдаба”* ва “*қўққисдан”* сўзлари. Улар қаҳрамон характерига мос ҳолатнинг учта асосий белгиси – Отақўзининг мағрур, кескин, шаҳдам, ҳаракатчан, ўзига ишонган одамлигини англатади. Унинг «қўққисдан», «дабдурустдан» бостириб келиши, «ғарч-ғурч қадам» босиб юришлари воқеалар давомида кўп марта такрорланади. Хулқи ва хатти-ҳаракатини ифодаловчи бу сўзлар қаҳрамоннинг ички ҳамда ташқи қиёфасини аниқ белгилайди.

Айни чоғда Отақўзи ўзининг одамгарчилиги, бағрикенглиги, топқирлиги, уддабурронлиги, меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги билан ўқувчига ёқиб қолади. Китобхон кўп ўринларда унинг хатти-ҳаракатларини маъқуллайди, сўзларига ишонади. Боиси, ёзувчи ўз қаҳрамонини ниҳоятда севиб, улкан муҳаббат билан тасвирлаган. Отақўзининг ҳар бир ҳаракати, қилиғи, ташқи ва ички қиёфасидаги ўзгаришлар изчил кузатилади ва мантиқан асосланади. Баъзан у ўзининг эл-юрт фаровонлиги, ободлиги, жамоа хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши, обрўси учун амалга ошираётган ишлари кимларгадир ёқмаётганидан руҳан изтиробга тушади. Адиб қаҳрамони руҳиятидаги бундай зиддиятли онларни психологик жиҳатдан ғоятда теран тасвирлайди.

Одил Ёқубовнинг ижодий фазилатларидан яна бири унинг ***таҳрир билан тинимсиз шуғулланиши, қарийб барча асарлари устида узлуксиз иш олиб боришидир.*** Буни адибнинг биргина “Диёнат” романи устидаги заҳматли меҳнати мисолида кўриш мумкин. Асарнинг орадан бир йил ўтибоқ қайта нашр этилишига туғилган эҳтиёжни адиб қуйидагича изоҳлайди: “Диёнат” романи нашрдан чиққандан кейин камина азиз китобхонлардан жуда кўп хатлар олдим. Матбуотда анча-мунча тақризлар, танқидий мақолалар эълон қилинди. Бу хат ва мақолаларда муаллифга бирмунча фойдали маслаҳатлар берилдиким, яхши ният билан айтилган бу гаплар романни яна бир кўздан ўтказишга даъват этди” (2). Демак, ёзувчи китобхон омма ва адабий танқидчилик фикрини инобатга олишга одатланган. Бу эса, шубҳасиз, асарларнинг янада мукаммаллашувига олиб келади. Фикримизни “Диёнат” романининг иккинчи нашри ҳам исботлаб турибди.

Иккинчи нашрни тайёрлашда ёзувчи, аввало, роман макроструктурасини пухта ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берди. Унда Отақўзининг Жамол Бўрибоев, Воҳид Миробидовларга муносабати янада чуқурлаштирилди. Диалог структурасини кенгайтириб, улар зиммасига залворлироқ юк қўйди. Унда фикрларни лўнда, аниқ етказиш мақсадида баҳс-диалог шаклидан унумли фойдаланди. Натижада романнинг ғоявий юки ортди. Диалогларда

персонажларнинг нутқи орқали ёзувчи ўзбек пахтакорининг аянчли ҳаётига муносабатини ифодалашга алоҳида эътибор берди. Бу жиҳатдан Отақўзининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: *«Бечора пахтакорлар иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай ғўза ўстиришса, боғ-роғ яратамиз деб ўлиб-тирилиб ётишса-ю, бу заҳматкашларга шарт-шароит яратиб берадиган қурилиш ташкилотлари парвойи палак бўлса! Бу ташкилотлар учун, уларнинг тепасида ўтирган раҳбарлар учун ҳукумат борми ўзи ё ҳукуматгаям бўйсунмай қўйишганми улар?"* (2.155).

Романни қайта кўздан кечиришда адиб унинг тилига сайқал берди. Персонажлар характери ва руҳиятини очишга ёрдам бермайдиган айрим жумлаларни, бутун-бутун абзацларни олиб ташлади, ибораларни ихчамлаштирди. Натижада бадиий тасвирда аниқлик ва тиниқлик ортди, роман ҳажми бироз қисқарди ҳам. Сиртдан қараганда, биринчи нашрда 16 бобдан иборат икки қисмлик романнинг 37 та бўлими иккинчи нашрида 38 тага кўпайган бўлса-да, асар ҳажман семирмай, аксинча, мазмунан бойиганига гувоҳ бўламиз. Чунки воқеалар баёни хийла тиғизлашди, характерлар теранлашди, ортиқча тафсилотларга чек қўйилди. Шахмат тили билан айтганда, боблардаги бўлимларнинг "рокировка" қилиниши воқеликнинг янада мураккаблашишига, яъни цейтнот ҳолатининг вужудга келишига олиб келган. Масалан, романнинг биринчи нашри охирида Нормурод Шомуродовнинг фаолияти бироз сусайгандек, қарилик ва касаллик ғолиб келиб, бошқаларга билиб-билмай етказган озорлари учун рози-ризолик сўрашга кўниккан одамдек таассурот қоларди. Иккинчи нашрда у бетоблигига қарамай мақсадига эришиш учун курашувчи, ҳақлигини исботлашга аҳд қилган инсон сифатида намоён бўлади. Бу адиб романни қайта ишлашдан кўзлаган биринчи мақсади - "роман қаҳрамони Нормурод Шомуродовнинг иш фаолиятини бир қадар кенгроқ кўрсатиш" амалга ошганини кўрсатади.

Шу пайтгача қисса деб келинган "Матлуба", "Тилла узук" асарлари "Қайдасан, Морико?" (3) китобига "ҳикоя" деб киритилгани, "Муқаддас" қиссасида қолипловчи ҳикоя қисқартирилгани, "Адолат манзили" (4) асари устида олиб борган таҳрири ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди.

Одил Ёқубов асарларининг деярли барчасида айнан ҳаётдагидек ***табиийлик*** фазилати равшан кўринади. Шу билан бирга, уларнинг жанри ҳамда, яратилиш давридан қатъи назар, мавзу ва муаммонинг ўзаро яқинлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, адибнинг "Муқаддас", "Бир фельетон қиссаси", "Қанот жуфт бўлади", "Диёнат", "Оққушлар, оппоқ қушлар", "Улуғбек хазинаси", "Кўҳна дунё", "Адолат манзили" каби асарларида, асосан, маънавий-ахлоқий муаммолар – адолат, диёнат, инсон шаън-шавкати, инсоф, ор-номус, ахлоқ-одоб сингари масалалар етакчилик қилади. Ёзувчи жамият ҳаёти ва инсонлар фаолиятини қаламга олар экан, китобхон эътиборини айнан ана шу омиллар таҳлилига қаратади. Ҳатто, мазкур муаммо баъзи асарларининг номида ҳам ўз ифодасини топган (масалан, "Диёнат", "Адолат манзили", "Осий банда"). Давр ҳақиқатини ёритиш, муҳим ижтимоий масалаларни кўтариш Л.Толстой айтганидек, "инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни талқин этишга қаратилган тақдирдагина чинакам бадиий қиммат касб этади" (6). Бу фикрларимиз тўғрилигини юқорида тилга олинган асарларнинг Муқаддас, Нормурод Шомуродов, Шораҳим шоввоз, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Суюн бургут сингари қаҳрамонлари мисолида кўриш мумкин. Чунки улар айнан ана шундай эзгу ғоялар учун астойдил кураш олиб борадилар, ниятига етмагунча ўз йўлидан қайтмайдилар.

"Адолат манзили" қиссаси яратилган пайтидаёқ адабий жамоатчиликда катта қизиқиш ва ҳар хил мулоҳазалар уйғотди. У ҳақда У.Норматов, С.Содиқов, Т.Қурбон каби адабиётшунослар турли фикрлар билдиришди. Уларнинг мақолаларида асарнинг замонавий руҳи, «ўзбек иши» номи билан ўтказилган қатағон мавзусининг ёритилиши, бош қаҳрамоннинг янгилиги каби масалаларга кўпроқ эътибор берилди. Аммо асар жанрини аниқлашга мунаққидларнинг ҳеч бири жиддий ёндашмади. Ҳатто унинг илк варианти хусусида фикр юритган профессор С.Содиқ ҳам бирон жойда уни қисса деб эмас, балки роман, роман бўлганда ҳам детектив роман деб атайди. Тўғри, «Адолат манзили» асарининг дастлабки нусхаларида романбоп муаммо, тасвир кўлами, замон ва макон омили мавжуд эди. Бироқ унда ҳали романга хос тафаккур тарзи, эпик кўламдорлик етишмасди. Чуқурроқ назар ташланса, асарда кўтарилган муаммо қисса жанри қолипига сиғмай қолгани сезилади. Натижада Суюн бургут, Ветеран бобо характерлари тасвирида кемтик ўринлар вужудга келган. Айниқса, Лочин образи билан боғлиқ асар тугалланмаси ишонарсиз ва ҳатто тушкун кайфият уйғотар эди. Мунаққид С.Содиқ ҳам асарнинг шу ўрнига эътиборни қаратиб, «Лочиннинг курашдан осонгина чекиниши ва ўлимига ишонгимиз келмагани сайин ёзувчи билан мунозарага киришиш истаги орта боради. Мунозарага киришар эканмиз: "Наҳотки, адолат фақат нариги дунёда бўлса? Унда биз яшаб турган бу олам ва ҳаётимиз жуда кемтик ҳамда нурсиз бўлиб қолмайдими?.." деган саволлар устида ўйга толамиз" дейди ва "Лочиннинг ўлими етарлича далилланмаган"ини алоҳида таъкидлайди (8.48). Ҳақиқатан ҳам, асарнинг дастлабки вариантида муаллиф ўзи тан олиб айтганидек, "Ҳақиқий адолатни бу дунёдан эмас, у дунёдан топаман, деган туйғу" билан яшайдиган одамлар тоифаси чизилган эди.

Аммо “пахта иши” туфайли миллат қадр-қимматининг таҳқирланиши халқнинг, айниқса, ёшларнинг орини қўзғади, адолат учун курашувчилар кўпайди. Адолатсизлик қурбони бўлган Суюн бургутнинг ўғли Лочин ана шу курашчан авлод вакили сифатида тасвирланишини, отасининг эзгу ниятларини амалга ошириши шартлигини реал ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда эди. Бинобарин, аждодларимиздан қолган адабий-фалсафий мерос ҳам, диний қадриятларимиз ҳам тушкун ҳолатга тушган одамнинг ўзини-ўзи ҳалок этишини инкор қилади. Ҳатто бундай мусулмонга жаноза ҳам буюрилмайди. Асар устида қайта ишлаш жараёнида Одил Ёқубов ғоя ва характер мантиқининг мана шу қирраларига алоҳида эътибор берди. Натижада жанр талабларига жавоб бера оладиган роман вужудга келди.

“Адолат манзили” романи Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асарлари қаторида истиқлол даврининг илк адабий меваси ҳисобланади. Унда собиқ шўро давлатининг “ўзбеклар иши” номи остида миллатимизга қарши амалга оширган жиноят ва босқинчиликлари тасвирланган. Ёзувчи мазкур романида Маржонтов жамоа хўжалиги раҳбари Суюн бургут образи орқали миллий адабиётимизда аввалроқ ифодаланган шу тоифадаги образларга зид шахснинг қиёфасини яратди.

“Адолат манзили” романининг бош қаҳрамони тадбиркор, ишбилармон, одамларга меҳрибон, хўжалиги манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган раҳбар сифатида намоён бўлган Суюн бургут образи орқали Одил Ёқубов ўзбек адабиётига янги типдаги раис (совхоз директори) қиёфасини олиб кирди. У бошқа раҳбарлардан кўнгли очиқлиги, покизалиги, кўпроқ халқ ғамини ейиши, адолат йўлида ўз жонини ҳам қурбон қила олишга тайёрлиги билан фарқ қилади. Ёзувчи 80-йилларнинг иккинчи ярмида мамлакатимизда ўтказилган қатағонларнинг навбатдаги тўлқинини, сохта “ўзбек иши” номи остида атайлаб уюштирилган воқеликни асарга бежиз асос қилиб олмаган. Мустабид тузум 30- ва 50-йилларда қатор халқ вакиллари – зиёлиларни бадном қилгани етмаганидек, 80-йилларга келиб ана шундай туҳматлардан иборат сохта иш билан ўзбек халқини, унинг қўли қадоқ деҳқонларини ҳақоратлади. Шулардан бири Суюн бургут ўз оиласи, юрти, ватани шаънини ҳимоя қилиб, инсон ҳуқуқларини таҳқирлашга асосланган тузум зулмига чидай олмайди, мусулмончиликка зид бўлса-да, қадр-қимматининг камситилиши ва ноҳақликка қарши ўз жонини қурбон қилади. Бу эса мавжуд тузумга қарши исён эди.

Романда Суюн бургут адолат ва ҳақиқат учун ўз жонини қурбон қилган миллий қаҳрамон қиёфасида намоён бўлади. Унинг меросхўри Лочиннинг қиссадаги ўлими у курашган ва ўз жонини фидо қилган ғоя – адолат учун курашнинг давом этмаслигини англатар ва бу ўқувчиларда бироз тушкунлик, қониқмаслик ҳиссини уйғотарди. Буни ҳисобга олган адиб Лочинни жар ёқасидан қайтариб, кураш майдонига ташлайди. Бинобарин, қисса вариантидаги Лочиннинг ўлими унинг воқеалар силсиласидаги характер хусусиятларига ҳам мос келмасди. Китобхон Лочинни ўқувчилик пайтидаёқ шиддатли, серғайрат, айтганидан қайтмайдиган йигит сифатида кўрган эди. Унинг ўлимдан қайтиши “келгинди қашқирларнинг юртни талаётганига” қарши исёни ҳамда “Бу шўрпешона элни ҳимоя” қилишга отланганидан, бинобарин, характер мантиғи тўғри ривожланганидан далолат беради.

Умри сўнгида ёза бошлаган, аммо бетоблиги сабаб тўла тугалланмай, қайта ишланмай қолган “Осий банда” романи Одил Ёқубовнинг сўнгги нидоси бўлди десак, янглишмаймиз. Чунки адиб бутун умри мобайнида жамиятда юз бераётган адолатсизлик, зулм, қатағон, камситиш сингари иллатларга қарши курашиб келди ва баланд овозда ҳайқирди. Унинг кўплаб мақолалари, комфирқанинг сўнгги съездида сўзлаган оташин нутқи фикримиз далилидир. “Осий банда” романида юқорида тилга олинган барча мавзу ва муаммолар қамраб олинган десак, хато қилмаган бўламиз. Роман ёзувчи услубига хос шафқатсиз реализм янада такомиллашгани, жамият иллатларининг туб илдизларини реал фактлар ва далилларга асосланган ҳолда фош этиши жиҳатидан “Диёнат”, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” романларига қараганда ҳам бир неча поғона юксакка кўтарилганидан далолат беради. Адиб ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек халқи бошига маломат тоши бўлиб ёғилган пахта яккаҳокимлигининг фожиали оқибатларини, “пахта иши”ни вужудга келтирган қабиҳ сиёсатнинг туб илдизларини 50-60-йиллар воқеалари билан боғлаган ҳолда реал образлар воситасида очиб ташлайди.

Маълум бўлишича, романнинг атиги 16 боби ёзиб бўлинган экан, холос. Аммо шу бобларда тасвирланган воқеалар ҳам моҳир санъаткорнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Муаллифнинг асосий фикри асл исми Бобохон бўлган, тадбиркорлиги ва тажрибаси билан Саркор номини олган машҳур раис нуқтаи назари ҳамда ўй-мулоҳазалари орқали ифодаланади. Романдаги *“Катта пахтакор”, “Кичик пахтакор”, “Дудуқ пошшо”, “Кўзойнак”,“Ота”* ва бошқа шартли номлар остида кимлар назарда тутилганини ўша давр воқеаларидан яхши хабардор бўлган ўқувчилар яққол сезиб туради. Роман воқеалари авжи кульминацион нуқтага чиққан пайтда чала қолган. Изтироб исканжасида озиб, қорайиб, хасталаниб қолган Ота (Ўзбекистон раҳбари) тун ярмида Москвадан Кўзойнак раҳбарнинг дағдаға билан республикага беш юзта терговчи жўнатганини эшитиб, *“креслосига йиқилди, йиқиларкан, дирдир титраётган қўлидаги телефон полга тушиб*

кетди." (9,55) Бундан қаттиқ таьсирланиб уйига қайтган Саркорни эса ўша куни ярим кечада *"Юзларига ниқоб кийиб олган. Кўрган одам даҳшатга тушади"*ган одамлар *"оёқ-қўлларига кишан солиб, судраб олиб чиқиб кетишди"* (9,58). Бундан кейинги воқеалар янада даҳшатлироқ эканини тарих тасдиқлайди. Афсуски, бевақт ўлим ёзувчи қалами билан яратилажак бундай таьсирчан лавҳалардан ўқувчини бенасиб этди.

Хуллас, Одил Ёқубов XX аср ўзбек адабиётининг улкан намояндалари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор анъаналарини сидқидилдан давом эттириб, адабиётимиз хазинасини мангуликка дахлдор асарлари билан бойитган сермаҳсул санъаткордир. Ўзбек реалистик насри ривожида, унинг шаклан ва мазмунан янада бойиши ҳамда янгиланишида адибнинг хизматлари беқиёсдир.

Адабиётлар:

1. Ёқубов О. Диёнат. Роман.- Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.- 1978.
2. Ёқубов О. Диёнат. Роман. Иккинчи нашри.- Т.: Ёш гвардия, 1979
3. Ёқубов О. Қайдасан, Морико? Қиссалар, драмалар, ҳикоялар, этюдлар, мақолалар.- Т.: Шарқ, 2002.
4. Ёқубов О. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд.- Т.: Шарқ, 2005
5. Норматов У. Бургутнинг шижоати. / ЎзАС.- 1995.- 28 январь.
6. Лев Толстой о литературе и исскустве.- М.: СП, 1958.
7. Ёқубов О. Адолат манзили. Қиссалар, ҳикоялар, эссе.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
8. Содиқ С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. Адабий-танқидий мақолалар.- Т.: Шарқ, 2005.
9. Ёқубов О. Осий банда. Роман.- Т.: Ўзбекистон, 2012.

Фарғона давлат университети,
2016 йил 26 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)